
Президент Фармонига асосан Ўзбекистон туманидаги 17103 нафар пенсия ва нафақа олувчиларининг пенсия миқдори оширилди [Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 июнь кунги “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6241-сонли Фармони қабул қилинди.](#)

Фармонда қуйидагилар назарда тутилмоқда:

2021йил 1 июлдан бошлаб:

1) Белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдорида ва ундан кам пенсия олувчи шахсларга пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг **20 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий этилмоқда;**

*Яъни бугунги кунда белгиланган энг кам ёшга доир пенсия миқдори 513 350 сўм ва ундан кам пенсия олувчиларнинг барчасига пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг **20 фоизи миқдорида** (262 470 сўм × 20% = **52 494 сўм**) пенсиясига қўшиб тўлаб берилади.*

Шунингдек, иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияларнинг энг кам миқдори юқоридаги қўшимча тўловни ҳисобга олган ҳолда **400 000 сўмга** етказилади;

Амалда тўлиқсиз ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдори белгиланган энг кам ёшга доир пенсиянинг 50 фоизи (256 675 сўм)дан кам бўлмаган миқдорда тайинланади.

*Яъни, ҳозирги кундаги пенсия миқдоридан келиб чиқиб мутаносиб равишда пенсия суммалари **1 сўмдан 93 325 сўмгача** оширилади.*

2) Белгиланган ёшга доир энг кам пенсия миқдоридан 565 000 сўмгача пенсия олувчиларнинг ёшга доир ва ногиронлик бўйича пенсия миқдори **565 000 сўмга етказилади;**

Бунда, пенсия тайинлаш учун талаб этилган иш стажига (аёллар 20 йил, эркеклар 25 йил) эга бўлган ҳамда бугунги кунда **513 350 сўмдан 564 999 сўмгача** пенсия олувчи шахсларнинг пенсиялари **565 000 сўмга** етказилади.

3) Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа миқдори **315 030 сўмдан 400 000 сўмга оширилади.**

Бунда, **I - гуруҳ** бўйича ногиронлик нафақалари **430,6 минг сўмдан 465,6 минг сўмга** оширилади.

Маълумот учун. I - гуруҳ бўйича ногиронлик нафақаларини олувчиларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 июлдаги ПФ-5765-сон Фармонига асосан ҳар ойда пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг 25 фоизи (65 618 сўм) миқдорида қўшимча тўлов жорий қилинган.

~~**4) Боқувчисини йўқотганлик учун пенсия олувчи** оилаларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсиянинг энг кам миқдори **256 675 сўмдан 400 000 сўмга** оширилади ҳамда кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун амалдаги тартибга асосан тўланади.~~

Яъни, амалда боқувчисини йўқотганлик пенсияси меҳнатга қобилиятсиз ҳар бир оила аъзоси учун белгиланган энг кам ёшга доир пенсиянинг 50 фоизи (256 675 сўм)дан кам бўлмаган миқдорда, тайинланиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, **пенсия олувчиларнинг** ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг **20 фоизи** (52 494 сўм) миқдорида **қўшимча тўлов жорий этилади.**

5) Боқувчисини йўқотганлик учун нафақа олувчи оилаларнинг барча аъзоларини қамраб олиш мақсадида уларнинг бир нафар меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун нафақа миқдори **400 минг сўм** ва кейинги ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоси учун **150 минг сўм** белгиланади.

6) Болалиқдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа ойига **513 350** сўмдан **565 000** сўмгача оширилади.

Мисол №5. Амалда болалиқдан ногиронлик нафақаси 513,3 минг сўм ҳамда ун ва қолипли нон учун жами **50 минг сўм** миқдорида компенсация пули жами **563,3 минг сўм** тўланмоқда.

Янги тартиб бўйича эса ушбу тўлов **565 минг сўмни** ташкил этади.

Н.СУЛТОНОВ

Пенсия жамғармаси Ўзбекистон туман бўлими бошлиғи

2021-06-30 17:34:45